
Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал этишга хизмат қилувчи, янги қонунларни ишлаб чиқиш ва амалдаги-ларига замон талабларига мос равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиздаги изчил ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясини жамиятдаги бугунги реал воқеликка мослаштиришни тақоза этмоқда. Янги Ўзбекистон тараққиёт Стратегияси доирасида илгари сурилаётган кенг қўламли вазифалар, хусусан, адолатли ва халқпарвар давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, кадр-қимматини янада самарали таъминлаш каби улғувор мақсадлар бу борада зарур ҳуқуқий асосни таъминловчи конституциявий маконни янада таеомиллаштириш эҳтиёжини кун тартибига қўймоқда. Бинобарин, Бош Қомусимиздаги ўзгаришлар “Янги Ўзбекистон - ижтимоий давлат” тамойили асосида халқимизнинг фаровонлигини янада юксалтириш, мамлакатимиз иқтисодий тармоқларини трансформация қилиш ва тадбиркорликни жадал ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини сўзсиз таъминлашга қаратилган ислохотларни изчил давом эттириш учун мустаҳкам пойдевордир. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни лойиҳасида 14-боб “Оила, болалар ва ёшлар” деб номланиб, 5 та моддани ўз ичига олмоқда. Жумладан, 76-моддада “Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда у жамият ва давлат муҳофазасидадир. Никоҳ Ўзбекистон халқининг анъанавий оилавий қадриятларига, никоҳланувчиларнинг ихтиёрий розилигига ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади”. 77-моддада эса “Ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради” деб қатъий белгилаб қўйилмоқда. Болаларнинг маънан, жисмонан ва ижодий томондан комил инсон сифатида камол топишида оиладаги муҳит яхши бўлиши, шу билан бирга давлат томонидан зарур шарт-шароит, имконият ҳам яратиб берилиши зарур. Шу маънода, боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш, унинг жисмоний, ақлий ва маданий жиҳатдан тўлақонли ривожланиши учун энг яхши шарт-шароитларни яратиш давлатнинг бурчи, сифатида Конституцияда муҳрланмоқда.

Дилдорахон ХАЛИЛОВА, Фурқат тумани ФХДЁ бўлими мудираси.

2023-03-30 16:35:48